# «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма компанияси» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби бўйича овоз бериш натижалари

**Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107**
**Йиғилиш санаси 2025 йил 30 июнь, Соат: $11^{00}$**

## 1. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.

**Овозга қўйилган масала:**

1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ санок комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин:

– **Турғунов Жахонгир Ахаджонович** – Жамият акциядорлар билан ишлаш ва корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси;

– **Жунисова Айжан Олжабай қизи** – Жамият юристконсултанти;

– **Жураев  Ахрор Хаёт ўғли** – Жамият молия – иқтисод бўлимида I тоифали мутахассиси.

**Овоз бериш натижаси:**
«**Ёқладилар**» - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди;**
«**Қаршилар**» - 0 та овоз;
«**Бетарафлар**» - 0 та овоз.

## 2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.

**Овозга қўйилган масала:**

1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун - 5 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича муҳокамалар учун - 3 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича овоз бериш учун - 1 дақиқагача;
- санок комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус - 10 дақиқа.

**Овоз бериш натижаси:**
«**Ёқладилар**» - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди;**
«**Қаршилар**» - 0 та овоз;
«**Бетарафлар**» - 0 та овоз.

## 3. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

**Овозга қўйилган масала:**

1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

**Овоз бериш натижаси:**
«**Ёқладилар**» - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди;**
«**Қаршилар**» - 0 та овоз;
«**Бетарафлар**» - 0 та овоз.

**4. Жамият фаолиятининг 2024 йил якунлари бўйича Бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.**

---

**Овозга қўйилган масала:**

1.«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Бошқарувининг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин. 2.«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ 2024 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

**5. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва Жамиятда корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мониторинги натижаларини кўриб чиқиш.**

---

**Овозга қўйилган масала:**

1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖда Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мониторинги натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўрилсин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

**6. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.**

---

**Овозга қўйилган масала:**

1. Жамият томонидан 2024 йилда 20 806 200 124,51 сўм миқдорида соф фойда кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ҳамда қуйидагича тақсимлансин:

- дивиденд тўлови учун – 10 403 127 974,40 сўм (50,00%).

- Жамиятнинг захира фондини шакллантириш учун - 1 040 310 000,00 сўм (5,00%);

- Жамият Бошқаруви аъзоларини рағбатлантириш учун, кейинчалик Ижроия органининг 5 нафар аъзоси ўртасида тенг улушларда пропорционал тақсимлаш шарти билан – 1 040 310 000,00 сўм (5,00%);

- Жамиятнинг 2020-2021 йил якунлари бўйича кўрилган зарарини қоплаш учун – 2 809 834 945,24 сўм (13,50%);

- Жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик устав фондига капиталлаштириш шарти билан – 5 512 617 204,87 сўм (26,50%).

2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори 2 863,20 сўм деб белгилансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар 2025 йил 01 июлдан 2025 йил 29 августга қадар пул кўринишида автоматик равишда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тўлансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 531 308 та овоз, ёки 97,32%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 97 292 та овоз, 2,68%;
**«Бетарафлар»** - йўқ.

## 7. Жамиятнинг 2025 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш.

**Овозга қўйилган масала:**
1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ нинг 2025 йил учун бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

## 8. Жамият ижро органи (Бошқарув раиси ва аъзоларини) ваколатларини узайтириш ва тасдиқлаш.

**Овозга қўйилган масала:**
1. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонуни 79-моддасига мувофиқ «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Бошқарув раиси **Саидхонов Отабек Муродбековичнинг** ваколатлари узайтирилсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонуни 79-моддасига мувофиқ Жамият Бошқаруви аъзоларининг қуйидаги таркиби ваколатлари узайтирилсин:
- **Мутолибхонов Саидахёрхон Саидолимхон ўғли** - Бошқарув раисининг молия-иқтисод масалалари ва корпоратив бошқарув бўйича ўринбосари;
- **Кудратов Санжар Ропижонович** - Бошқарув раисининг кўргазма фаолиятини юритиш ва тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича ўринбосари;
- **Шерзодходжаев Авзалбек Абдувасигович** - Бошқарув раисининг маъмурий-хўжалик ишлари ва боғлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ўринбосари;
- **Амирова Эльвира Маратовна** - Бош бухгалтер.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

## 9. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.

**Овозга қўйилган масала:**
1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Бошқаруви томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг аффиланган шахслари билан амалга ошириладиган қуйидаги битимлар Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар сифатида эътироф этилсин: **кўргазма фаолияти учун хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар, ижара шартномалари, тадбир ўтказиш билан боғлиқ хизматлар юзасидан шартномалар, транспорт хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар, коммунал хизмат шартномалари.**

2. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ томонидан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда аффилланган шахслар билан тузиши мумкин бўлган битимлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

**10. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.**

**Овозга қўйилган масала:**
Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «SMART AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори **180 000 000,00 сўм** этиб белгилансин.

**Овоз бериш натижаси:**
«**Ёқладилар**» - 0 та овоз;
«**Қаршилар**» - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинмади**;
«**Бетарафлар**» - 0 та овоз.

**Овозга қўйилган масала:**
2. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори **151 200 000,00 сўм** этиб белгилансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

**Овозга қўйилган масала:**
3. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «KRESTON TASHKENT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори **170 000 000,00 сўм** этиб белгилансин.

**Овоз бериш натижаси:**
«**Ёқладилар**» - 0 та овоз;
«**Қаршилар**» - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинмади**;
«**Бетарафлар**» - 0 та овоз.

**11. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти билан тузиладиган кредит шартномаси бўйича йирик битимни тасдиқлаш.**

**Овозга қўйилган масала:**

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ да тузилиши режалаштирилаётган йирик битим шартномалари тасдиқлансин;

2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш, шунингдек “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ажратиладиган кредит шартномаси билан боғлиқ хужжатларни расмийлаштириш Жамият Бошқарув раиси (Саидхонов О.М.) зиммасига юклатилсин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 336 724 та овоз, 91,96%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 291 876 та овоз, 8,04%;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

**12. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари миқдорини белгилаш тўғрисида.**

**Овозга қўйилган масала:**

1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ нинг эълон қилинган акцияларининг миқдорини 1 000 000 000 (бир миллиард) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар миқдорида белгилансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 433 916 та овоз, 94,64%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 194 584 та овоз, 5,36%;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

**13. Жамият ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларни маъқуллаш ва Жамият ташкилий тузилмасини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.**

**Овозга қўйилган масала:**

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

**14. Жамият Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни маъқуллаш ва Жамият Уставини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.**

**Овозга қўйилган масала:**

1. Жамиятнинг Уставига ўзгартиришлар киритилсин ва янги тахрирда тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижаси:**
**«Ёқладилар»** - 3 433 916 та овоз, 94,64%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 194 584 та овоз, 5,36%;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.

## 15. Жамиятнинг бошқарув органлари меҳнатига хақ ва компенсациялар тӯлаш тартиби тӯғрисидаги Низомини янги тахрирда тасдиқлаш тӯғрисида.

**Овозга қӯйилган масала:**

1. Жамиятнинг бошқарув органлари меҳнатига хақ ва компенсациялар тӯлаш тартиби тӯғрисидаги Низоми янги тахрирда иловага асосан тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижаси:**

**«Ёқладилар»** - 3 628 600 та овоз, 100%, **қабул қилинди**;
**«Қаршилар»** - 0 та овоз;
**«Бетарафлар»** - 0 та овоз.